

# ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ТЕАТРИНИ ЎРГАНИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Қизиқчилар Санъати Мисолида)

*Соҳибжон Валиев<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мақолада ўзбек халқ анъанавий қизиқчилик санъатининг ривожланиш динамикаси, бадий жараёнларни ўрганишга оид айрим мулоҳазалар баён этилиб, соҳадаги мавжуд илмий масалаларга ечим изланган.

**Таянч иборалар:** театр, қизиқчилик, анъана, кулги, томоша, сатира, ҳажвия, ҳангома, латифа, тақлид, муқаллид, актёр.

Анъанавий театрнинг муҳим таркибий қисми – қизиқчилик санъатини назарий жиҳатдан ҳар томонлама илмий асослаш, соҳага оид атамалар ва тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаш масалалари театршунослик илмининг долзарб масалаларидан бири сифатида қаралмоқда. Айниқса, кулги усталари ижодига оид илмий ва бадий манбаларни шарҳлаш, соҳада юзага келган айрим муаммоларга амалий ечим излаш, дастлабки умумлашма назарий хулосага келиш ўзбек театршунослик илми тадқиқотчилари олдида янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “қизиқ” атамаси “кишини ажаблантирадиган, ҳайратда қолдирадиган, ажиб, ғалати, томошабинларни қизиқтирадиган, диққатини ўйга тортадиган, кулги келтирадиган, қизгин тус олган, авжига чиққан” ҳангомалар, латифалар, томошалар, муқаллидлар йиғиндисини англатиши қайд этилган.

“Қизиқчи” атамаси илмий луғатларда икки хил маънода қўлланилади. Биринчидан, қизиқ ҳаракатлари ва сўзлари билан кишиларни қулдирувчи одамга нисбатан ишлатилиши қайд этилади. Иккинчидан, халқ сайилларида, йиғилишларида томошабинларни қулдирадиган, турли ўйинлар кўрсатувчи маҳоратли артист-актёр сифатида таърифланади. “Қизиқчилик” деганда эса улар кўрсатадиган ўйин-томоша, касб назарда тутилади.

Ўзбек халқ қизиқчилик санъати аксарият илмий манбалар ва қомусий луғатларда қизиқчилик анъанавий театрнинг алоҳида тури сифатида талқин қилинади. Бунда жон бор. Профессор М.Қодиров қизиқчилар санъатининг анъанавий театрга хос бўлган бир қанча белги ва хусусиятларини кўрсатиб ўтади. Қизиқчилар ижоди замирида энг аввало ўзига хос оғзаки дараматургиянинг мавжудлигини асос қилиб кўрсатади, қаҳрамонлар қиёфасини ижрочилар индивидуал қобилияти, ақли, мижози, ҳиссиёти, танаси, ҳаракатлари билан гавдалантирувчи актёрлар борлигини асослайди.

Қизиқчилар чиқишларини анъанавий театр сифатида баҳоланишининг энг муҳим компонентлардан бири бу – уларнинг турфа ўйинларидан завқлана оладиган сон-саноқсиз томошабинлар борлигидир. Яъни қизиқлар томошаларида театр санъатининг барча аломатлари кўзга ташланади. Қизиқчилар театрининг замонавий театрдан фарқи, унинг махсус биноси ва сахнаси йўқ, улар ўз спектакллари исталган вақтда, турли шароитларда атрофи томошабинлар билан қуршалган ўзига хос халқа – “сахна”да кўрсатиб кетаверганлиги олимнинг шундай хулоса чиқаришига асос бўлганлиги шубҳасиз.

Юқоридагиларга кўра, қизиқчилик ўзбек анъанавий театрининг алоҳида тури сифатида ўз бадий анъаналари ва ижро қонуниятлари асосида яшаб келади. Қизиқчилик анъаналари

<sup>1</sup> УзДСМИ мустақил тадқиқотсичи



азалдан Фарғона водийси ва Тошкентда оммалашган. Ўтмишда анъанавий театрнинг бошлиғи, ташкилотчиси, бадиий жараёнларни бошқарувчи режиссёри маҳаллий тилда “корфармон” деб аталган. У ижодий гуруҳга раҳбар бўлиши билан бирга барчага ўрнатилган бўлган маҳоратли ижрочи сифатида ҳам ажралиб турган. Корфармон, одатда, санъаткорлар йиғинида овоз бериш йўли билан сайланган. Сайлов натижаси фарғона водийсида меҳтарбоши, Самарқанд-Бухоро атрофларида ғолиббоши томонидан тасдиқланган. Корфармон томоша майдони, шароити ва томошабинлар тоифасини ҳисобга олган ҳолда ижодий ишларни олдиндан режалаштирган, керакли сахнавий воситалар–либослар ва асбоб-анжомларни ҳозирлаган. Қизиклар репертуарини мавзу ва жанр жиҳатдан такомиллаштириш, кулги-ҳикоя, муқаллид ва ҳажвий ўйинларни халққа манзур этиб кўрсатишда корфармон катта ҳажмдаги ижодий ишларни амалга оширган.

Дарҳақиқат, қизикчилар театри томошалари ўз сюжети, мавзуси ва жанри жиҳатдан ниҳоятда хилма хил бўлган. Танқид, муқаллид, сатира ва юмор билан бойилган комедиялардан кенг фойдаланишган. Қизикчилик кўпинча оғзаки драматургияга асосланган. Бунда кўрсатиладиган томошаларнинг фабуласи, сюжети, айрим барқарор савол-жавоблари маълум бўлиб, қизикчилар томонидан олдиндан ўзлаштирилган ва шу асосда ижод ва ижро қилинган. Қизикчилар ўз ижодларида кўпроқ сўз санъатининг сеҳрли қудратига таянган, халқ поэтик ижоди, тил бойлиги, мумтоз адабиёт намуналаридан усталик билан фойдаланганлар. Майдонда ранг-баранг қиёфаларни яратаётганда қаҳрамонлар характерга мос либослардан фойдаланишган. Аммо улар одатда, қизил, сариқ ёки жигарранг матодан тикилган ёки қуроқ камзул кийган. Бундай ташқи кўриниш улар яратаётган образнинг янада таъсирли, халқчил чиқишини таъминлаган.

Илмий манбаларда қизиклар фаолияти аксар ҳолларда Ўзбек халқ томоша санъати таркибида ўрганилган. М.Қодиров мазкур мавзуга оид манбаларни умумлаштиришда учта муҳит босқични алоҳида ажратиб кўрсатади. Биринчиси ёзувчилик ва санъаткорлик билан боғлиқ бўлган амалий давр сифатида қайд этилган. Бу даврда Х.Х.Ниёзий, А.Қодирий, Гулом Зафарий ва бошқалар асарлари орқали қизикчилар ижодининг биринчи тадқиқотчиларига айланганликларини аниқ мисолларда асослайди. Ёзувчиларнинг маҳаллий қизиклар ижодий фаолиятига оид кузатишлари, билимлари, ёзиб олган намуналари аксарият ҳолларда бадиий асарлари таркибига сингдирилиб юборилганлиги ҳар томонлама далилланган.

Мавзуни ўрганишда иккинчи босқични шартли равишда этнографик-фолклористик давр сифатида тилга олинади. Бу даврда А.К.Боровков, А.Л.Троицкая, Е.Б.Бахта ва бошқаларнинг соҳага оид дастлабки рисоалари нашр этилганлиги ҳам юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқлайди.

Учинчи давр XX асрнинг ўрталаридан бошланади. 1950-60 йилларда Ўзбекистонда миллий санъатшунослик илми шаклланиш жараёнларини бошидан кечиради. М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Турсунов, Т.Бояндиев каби ёш театршунослар авлоди пайдо бўлади. Ўзбек театршунослик илмида анъанавий театр ижрочилар – қизиклар ҳақидаги маълумотлар дастлаб академик М.Раҳмонов тадқиқотларида учрайди. Олим кўқондаги Чорсу майдонида XIX аср охири-XX аср бошларида ташкил этилган байрам сайилларида маҳаллий қизиклар чиқишларини ҳар томонлама таҳлил этади. Фарғонада яшаб ижод қилган Нормат қизик ва бошқа ўнлаб маҳаллий санъаткорларнинг репертуарининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг бадиий маҳорат даражасига атрофлича баҳо берилган.

Юқоридагилардан кўринадики, ўзбек халқ қизиклари ижодига оид айрим манбаларда қисман маълумотлар киритилган бўлсада, соҳа юзасидан алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Айниқса, мустақиллик даври қизиклар ижодий қиёфаси ҳудудий жиҳатдан махсус ўрганилмаган. Шуларни эътиборга олган ҳолда дастлабки қадамларни мустақиллик даври Фарғона водийсида яшаб фаолият кўрсатаётган қизиклар ижодини ўрганишга қаратилган барча манбаларни илмий шарҳлашга қарор қилдик. Айниқса, улар ижодига азаллий анъаналар ва замонавий тенденцияларни аниқлаш жудаям муҳим. Мазкур ишда мавзуни айнан шу жиҳатдан илмий умумлаштириш орқали ўзбек халқ қизиклари санъати юзасидан дастлабки хулосалар чиқариш мумкин.



**Фойдаланилган манбалар:**

1. Abdurahmonov I.R. Classification of folklore motifs in the artistic craft of Uzbekistan. – //Innovations in technology and science education. Sijif: 5.305. Volume Issue 20. Assn 2181-371X. WWW. Humo science.com. –P.150-156. SJIF (2023)-5,305.
2. Abdurahmanov I.R. Heavenly symbols of rare devonbegi madras decoration. –//Scientific bulletin. volume-i, issue-3. issn: 2181-4554 doi journal 10.56017/2181-4554. –P.5-9.
3. Abdurahmonov I.R. Interpretation of mythological topics in the fine art of the XX century. “*Art and design: social science*”. E-ISSN: 2181-2918 P-ISSN: 2181-290X. Volume 02 Issue01 (2022) Doi: -10.37547/SSA. Email: dilkur\_1980@mail.ru. Website: <https://social-science-analysis.uz/index.php/ssa>
4. Abdurahmanov I.R. Category of Mythological Images in the Painting of the Independence Period. Natural Volatiles and Essential Oils (NVEO). ISSN: 2148-9637. Dec 16, 2021. Article ID: NVEO-2021- 170. 8(4): –P.15516-15522. (Skopus 1).
5. Abdurahmanov I.R. The Interpretation Of Images On Dualism, Totemism, Animism And Fetishism. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN-2689-100X).–P.75-81. Impact Factor. 2021.5.857.
6. Abdurahmanov I.R. Concept of mythology represented in fine arts of Uzbekistan. –//European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 1 No. 3, November 2020, ISSN: 2660-5589. –P.12-14/ (sjif 2024/ impact factor 8.211).
7. Abdurahmanov I.R. Reflection Of Folklore in Applied Art Of Uzbekistan (From The Beginning Of The XX Century To The Present). The American Journal Of Social Science and Education Innovations (ISSN-2689-100X). February 27, 2021. [https://doi.org/10, 37547](https://doi.org/10.37547). –P.166-171. Impact Factor 2021: 5.857
8. Abdurahmanov I.R. Reflection of Written Dastans in Medieval Miniature (XIV-XVII Centuries). –//International journal of research. With Impact Factor 5.60. December. 2018. –P.425-432 (Impact Factor 5.60).
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –II том. Москва. Рус тили нашриёти. 1981. –Б.571.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилди. Т., ЎЗМЭ нашриёти. 2020. –Б.279-280.
11. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11 том. Т., 2005. –7 бет.
12. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. –Т., Ўқитувчи, 1981. –36 б. 5. Клитин С.С. Эстрада проблемы, истории и методики. –Ленинград. «Искусство», 1987. Стр 15.
13. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. –Тошкент, ўқитувчи. 1981.–10 б.
14. Ризо Ш. Халқ санъаткорлари. –//Гулистон. 1940 йил. №4.
15. Абдуллаев Ҳ. Довжурак хушчақчақ талантлар (Ўзбек халқ қизиқчилари театри). –//Шарк юлдузи. 1961. №5.

